



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

# ЎТМИШГА НАЗАР

3 ЖИЛД, 5 СОН

# ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 3, НОМЕР 5

# LOOK TO THE PAST

VOLUME 3, ISSUE 5



ТОШКЕНТ-2020

**Бош муҳаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**  
**Муртазаева Рахбар Хамидовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бош муҳаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**  
**Джураева Нилуфар Далибаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

**"Ўтмишга назар" илмий журнали тахририй маслаҳат кенгаши**  
**редакционный совет научного журнала "Взгляд в прошлое"**  
**Editorial board of the scientific journal Looking into the past**

**Кебадзе Мадонна**  
*Доктор исторических наук, Телавский  
государственный университет, Грузия*

**Бурдиашвили Майя**  
*Доктор исторических наук, Телавский  
государственный университет, Грузия*

**Кожакеева Ляззат Темировна**  
*тарих фанлари доктори, доцент,  
Хотин-қизлар давлат педагогика университети,  
Қозоғистон Республикаси*

**Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич**  
*тарих фанлари доктори, профессор, академик,  
Ўзбекистон Миллий университети*

**Бобожонова Дилором Бобожонова**  
*тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон  
жаҳон тиллари университети*

**Зияева Доно Хамидовна**  
*тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти*

**Аширов Адхам Азимбаевич**  
*тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти*

**Агзамова Гулчехра Азизовна**  
*тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти*

**Ульжаева Шохистахон Мамажоновна**  
*тарих фанлари доктори, Тошкент  
кимё - технология институти*

**Бабаджанова Нодира Абдуллаевна**  
*тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон  
давлат жаҳон тиллари университети доцент*

**Эргашева Юлдуз Алимовна**  
*Тарих фанлари доктори, профессор  
Қариш муҳандислик-иқтисодиёт институти*

**Теймураз Ахалмосулишвили**  
*профессор, Телавский государственный университет,  
Грузия*

**Халикова Рахбар Эргашевна**  
*тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат  
техника университети*

**Ишанходжаева Замира Райимовна**  
*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон  
Миллий Университети*

**Кобзева Ольга Петровна**  
*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон  
Миллий университети*

**Одилов Аброр Анварович**  
*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Миллий  
университети*

**Ерметов Аваз Абдуллаевич**  
*тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Миллий  
университети*

**Саипова Камола Давляталиевна**  
*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Миллий  
университети*

**Джоробекова Айнур Эшимбековна**  
*тарих фанлари номзоди, профессор, Ташқи ишлар  
вазирлиги қошидаги Дипломатия академияси,  
Қозоғистон Республикаси*

**Толипов Файзулла Саидович**  
*Тошкент давлат техника университети доцент*,  
*тарих фанлари номзоди*

**Page Maker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов**

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

## МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT

|   |    |
|---|----|
| <b>1.Гулчехра Азизовна Агзамова</b><br>XVI-XIX АСРНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДА ХОРАЗМДА КЕЧГАН<br>УРБАНИЗАЦИОН ЖАРАЁНЛАР ТАРИХИДАН.....  | 4  |
| <b>2.Илёсхон Мухиддинович Бурхонов</b><br>«ЗАКОТ» - ХАЛҚИМИЗ ҲАЁТИДА АДОЛАТ<br>ВА МУТАНОСИБЛИК ОМИЛИ.....   | 11 |
| <b>3.Зумрад Касимова</b><br>УЙЎУР АДАБИЁТИ ТАРИХИДА АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИНИНГ<br>ЎРГАНИЛИШИ.....  | 16 |
| <b>4.Муродулла Мирзаев</b><br>ЎЗБЕКИСТОН АСОСИЙ СИЁСИЙ ИНСТИТУТЛАРИ ФАОЛИЯТИ<br>ШАРТ-ШАРОИТЛАРИНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ.....  | 21 |
| <b>5.Сайёра Турғуновна Мирсоатова, Раънохон Ўринбой қизи Аҳмадалиева</b><br>ЎЗБЕКИСТОНДА МЕЗОЛИТ ДАВРИ ЁДГОРЛИКЛАРИ.....  | 30 |
| <b>6.Акмалжон Марозиқов</b><br>ФАРҶОНА ВИЛОЯТИДА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ<br>РИВОЖЛАНИШИНИНГ ИЖТИМОИЙ –ҲУДУДИЙ ЖИҲАТЛАРИ.....   | 37 |
| <b>7.Shoirra Sayfiyevna Ochilova</b><br>O'RTA ASR UYG'ONISH DAVRI SHARQ ALLOMALARINING<br>INSONPARVARLIK - GUMANISTIK G'OYALARI.....                                    | 43 |
| <b>8.Нилуфар Ахматовна Жумаева, Феруза Холмаматовна Утаева</b><br>ЗИРОАТЧИЛИК ҲОМИЙСИ - БОБОДЕҲҚОН БИЛАН БОҒЛИҚ УРФ-ОДАТ<br>ВА МАРОСИМЛАР (Бухоро воҳаси мисолида)..... | 49 |
| <b>9.Dilrabo Shomurodovna Murodova</b><br>BUXORO VILOYAT DAVLAT ARXIVI MANBALARINING O'ZBEKISTON<br>TARIXINI YORITISHDAGI ANAMIYATI.....                                | 56 |
| <b>10.Жасур Жамшитжонович Якобжанов</b><br>МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ АДАБИЁТЛАРИДА ҚЎҚОН ХОНЛИГИ<br>ДАВЛАТЧИЛИГИ МАСАЛАСИ.....  | 61 |
| <b>11.Гулсина Исмойиловна Ҳошимова</b><br>ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ҲАРБИЙ<br>МАДАНИЯТИНИНГ ТАРИХИЙ АСОСЛАРИ.....   | 68 |
| <b>12.Kurbanov Golib Negmatovich</b><br>SO'NGGI O'RTA ASRLAR BUXORO AN'ANALARI VA MAROSIMI.....   | 74 |

# ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Гулсина Исмойиловна Ҳошимова,  
Низомий номидаги Тошкент Давлат  
педагогика университети  
Масофавий таълим кафедраси ўқитувчиси  
gulsinakhoshimova@mail.ru

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ҲАРБИЙ МАДАНИЯТИНИНГ ТАРИХИЙ АСОСЛАРИ

**For citation:** Gulsina Ismoyilovna Khashimova. THE HISTORICAL FOUNDATIONS OF THE MILITARY CULTURE OF THE ARMED FORCES OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN. Look to the past. 2020, vol. 5, issue 3, pp.68-73



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-5-11>

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Ватан ҳимоячиларини ватанпарварлик руҳида тарбиялашда аждодларимизнинг ҳарбий меросини ўрганиш муҳим омил эканлиги ҳақида фикр юритилади ҳамда “ҳарбий маданият” тушунчасини мазмун моҳиятини ўрганишда фалсафий ва маданий ёндашув билан бир қаторда, тарихий, миллий томонини таҳлил қилиш кераклиги кўрсатиб ўтилади. Шундан келиб чиқиб, Қуролли Кучларимиз ҳарбий маданиятини шаклланиш тарихи илмий маълумотлар ва далиллар асосида очиқ берилади.

**Калит сўзлар:** ҳарбий маданият, тарихий анъана, миллий қадрият, жаҳон ҳарбий санъати, ҳарбий-сиёсий уюшма, қадимги халқлар, миллий армия, истеҳком, ҳарбий кўшинлар, тарихий асос.

Гулсина Исмойиловна Ҳошимова,  
Ташкентский государственный  
Педагогический университет имени Низами  
Преподаватель кафедры Дистанционное обучение  
gulsinakhoshimova@mail.ru

## ИСТОРИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ВОЕННОЙ КУЛЬТУРЫ ВООРУЖЕННЫХ СИЛ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

### АННОТАЦИЯ

В данной статье изучение военного наследия наших предков рассматривается как важный фактор воспитания защитников Отечества в духе патриотизма и подчеркивается необходимость анализа исторического и национального аспекта, а также философско-культурного подхода к понятию «военная культура». История формирования военной культуры наших войск будет раскрыта на основе научных данных и доказательств.

**Ключевые слова:** военная культура, историческая традиция, национальное значение, мировое военное искусство, военно-политическое объединение, древние народы, национальная армия, укрепление, военные войска, историческая основа.

**Gulsina Ismoyilovna Khashimova,**  
Tashkent State Pedagogical University named after Nizami  
Teacher of the Department of Distance Learning  
gulsinakhashimova@mail.ru

## THE HISTORICAL FOUNDATIONS OF THE MILITARY CULTURE OF THE ARMED FORCES OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

### ABSTRACT

In this article, the study of the military heritage of our ancestors is considered as an important factor in educating the defenders of the homeland in the spirit of patriotism and emphasizes the need to analyze the historical and national aspects, as well as the philosophical and cultural approach to the concept of “military culture”. The history of the formation of the military culture of our troops will be disclosed on the basis of scientific data and evidence.

**Index Terms:** military culture, historical tradition, national importance, martial arts, military-political association, ancient peoples, national army, fortification, military armies, historical basis.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган дастлабки кунларданок халқимизнинг тарихий анъаналарни, миллий қадриятларини тиклаш бош вазифа даражасига кўтарилди. Миллий қадриятларнинг тикланиши демократик жамият қуришнинг муҳим шarti деб қаралди. Демократик жамият концепциясида миллий қадриятлар билан бир қаторда, давлатимизнинг қуролли ҳимоячиси бўлган ҳарбийлар маданияти, улар орасида шаклланган миллий-маънавий қадриятларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Ҳарбий қадриятлар тарихан шаклланган миллий қадриятлар замирида бўлиб, мустақиллик шароитида янгича мазмун билан бойиди, халқ ва армия бирдамлигининг кучайиши билан миллий меросимизнинг ажралмас қисмига айланди. Шунингдек, Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, тарихимизни асраб-авайлаш, халқимиз, айниқса, ёш авлод онгига она-юртга муҳаббат, истиқлолга садоқат туйғуларини чуқур сингдириш мустақил, кенг дунёқараш ва фикрлашга эга, иймон-этиқоди ва иродаси мустаҳкам, маънавийли ва фидойи, аждодларимизнинг бебаҳо меросига таяниб яшайдиган баркамол шахс — Ватан ҳимоячиларини тарбиялаш, уларнинг дунёқарашларини, ижодий фикрлаш доирасини кенгайтириш масаласи бугунги кунда долзарб бўлиб турибди. Дунё шиддат билан ўзгариб бораётган ҳозирги замонда, халқимизнинг маънавий қадриятлари, маданияти ва тарихини бузғунчи ғоялар билан сингдиришга қаратилган уринишлар кучайган, ёш авлоднинг онгини эгаллаш учун кескин кураш кетаётган бир шароитда, ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий хизматгача бўлган ёшдаги фазандларимизни тарбиялаш ва уларни маънавий-руҳий тайёргарлигини ошириш борасида ишларнинг роли ва ўрни тобора ортиб бормоқда [1, Б.3]. Шундан келиб чиқиб, таълим муассасаларида, ҳарбий ва меҳнат жамоаларида, маҳаллий ёшларимиз қалбида Ватанга юксак муҳаббат, Қуролли Кучларимиздан ғурурланиш ва ҳарбий хизматга чуқур ҳурмат туйғуларини камол топтириш мақсадида ҳарбий маданият ва унинг тарихий асосларини фалсафий нуқтаи назаридан ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Шунини алоҳида таъкидлаш кераки, Ўзбекистон ижтимоий маданиятида ҳарбий маданият ҳарбий нуқтаи назардан жуда муҳим ўрин эгаллайди. Ҳарбий маданиятнинг мамлакат ва миллат мустақиллигида ҳам ўрни беқиёс ҳисобланади. Ҳарбий маданият жамият ва мамлакатдаги ҳар бир фуқаронинг миллий ҳаёт тарзи ва тарихий ривожланишдаги ҳамда давлатнинг қуролли ҳимоясини ташкиллаштиришдаги ўрнини кучайтиради.

“Ҳарбий маданият” тушунчаси бугунги кунгача бизнинг ҳарбий адабиётларда кам қўлланилган бўлиб, бу атамани, Россияда биринчи бўлиб, Россия публицисти М.О.Меньшиков томонидан А.В. Суворовга нисбатан ишлатилган. Собик совет авторлари ҳарбий маданият атамасини ишлатмаганлар, улар асосий эътиборни армиядаги ахлоқий-руҳий ҳолат сифатларини назарий таърифлашга қаратганлар, шунингдек, уларни

шакллантиришнинг қонуний томонларига эътибор берганлар. Лекин бугунги кунда ҳарбий маданиятнинг мазмуни ва моҳияти ҳақида кўплаб фикрлар мавжуд. Ҳарбий маданият тушунчаси мазмуни ҳақида гап кетганда “Ҳарбий маданият- бу ҳарбий жамоада яратилган расмий ва норасмий маданиятларнинг йиғиндиси бўлиб, уларнинг ҳар бири моддий ва маънавий таркибий қисмлардан, маънавий-ғоявий ва рамзий элементлардан иборат” деган таърифни кетиришимиз мумкин [2, Б.110].

Ҳарбий маданияти тушунчасини таҳлил қилишда фалсафий ва маданий ёндашув билан бир қаторда, биринчи навбатда, тарихий ва миллий томонини ажратиб кўрсатиш керак бўлади. Тарихий ва миллий жиҳатдан ҳарбий маданият уруғчилик жамиятида алоҳида элементлар сифатида пайдо бўлган. Ҳарбий маданият давлатнинг шаклланиши билан ривожлана бошлади ва ўзининг асосий ўзига хос институтларидан бири - армияда пайдо бўлди. Ҳарбий маданият ўзини ўзи бошқаришга эришиб, уни яратган жамият билан узвий алоқада бўлди. Мамлакатимиз инсоният маданиятининг барча соҳалари билан бир қаторда илк ҳарбий соҳа ривожланган ҳудуд сифатида тарихдан ўрин олган бўлиб, ушбу фикрларга куйидаги маълумотлар асос бўлиб хизмат қилади.

Археологик қазилмалар чоғиданеолит даврига оид ҳарбий қуроллар, яъни найза ва ўк учлари Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманидаги Мачай ғор маконида, Жанубий Туркменистонда, Ашғабат шаҳридан 25 км. шимолдаги Жойтун манзилгоҳида топишган. Калтаминор маданиятига оид Амударё этаклари ва Хоразм ҳудудида ўрганилган Жонбосқалъа маконидаги найза пойконлар, камон ўқларининг учлари ва бошқа тош қуроллар тадқиқотчиларнинг фикрларига қараганда милоддан аввалги V-IV минг йилликларга оиддир [3, Б. 9]. Бу эса, ҳарбий соҳадаги маданият аجدодларимиз томондан милоддан аввалги V-IV минг йилликларда шаклланиб бўлган деган хулосага келишимизга асос бўлади.

Ҳарбий соҳа ривожини Кушон давлати даврида алоҳида кўзга ташланиб, бу даврда махсус қурол-аслаҳа устахоналари вужудга келганлиги, суяк ва шох билан қопланган мураккаб қўш камон айнан шу даврда кашф этилганлиги, учи учбурчакли ўқлар кенг ёйилгани ҳақида тарихий манбалар гувоҳлик беради. Эфталитлар даврида Чочда ясалган ўк ва ёй «камони чочий» номи билан қўшни давлатларда машҳур бўлган. Осиёда ҳарбийлар ўк ва ёй билан бир қаторда ханжар ва дудама қилич билан қуролланганликлари ҳақидаги маълумотлар эса, аجدодларимизнинг ҳарбий қуролларни яшаш ва амалда қўллашда ҳам моҳир бўлганликларидан кўрсатади [3, Б.12]. Юқоридаги фикрлардан Ўзбекистонда ҳарбий қўшин, қурол-яроғ ва жанг тактикаси жуда қадимдан шаклланиб, асрлар давомида такомиллашиб келган ва инсоният тош асридан бошлаб қурол-яроғлардан нафақат ов қилиш, балки мудофаа мақсадида ҳамда ўзаро низоларни хал этишда фойдаланган деган хулосага келиш мумкин. Бундан ташқари аجدодларимиз ўз қароргоҳларини, яшаш манзилларини қўриқлашда ўзига хос ҳарбий истеҳкомлар барпо этганлар. Милоддан аввалги VII-IV асрларга оид Марказий Осиёнинг жанубида мустаҳкам деворлар билан ўралган, ичида ҳокимларнинг қароргоҳлари, мудофаа буржлари ва ўк отадиган махсус тўйнуқ-шинаклари бўлган қалъалар мавжуд кўхна шаҳарлар археологлар томонидан топишган.

Эфталитлар даврида истеҳкомлар тўрт бурчаги баланд буржлар билан мустаҳкамланиб, деворумўрилари бир неча қатор камондан ўк узгич, нишон, тўйнуқлар билан таъминланган. Қалин мудофаали феодал кўрғонлари илк ўртаасрнинг ўзига хос меъморчилик намуналари бўлиб, Нахшаб воҳасидаги Заҳоки – Морон қалъаси, Бухородаги шаҳри Вайрон, Хоразмдаги Фир қалъаси шулар жумласидандир. Воҳаларда ташқи душмандан ҳимоя қилиш мақсадида бир неча чакримлаб қалин деворлар барпо этилган. Самарқанд воҳасидаги 12 та дарвозадан иборат бўлган, узунлиги 336 км.ли Кампирак, Тошкент воҳасидаги Кампирдевор истеҳком деворлари бунга мисол бўла олади [4, Б.6,8]. Ушбу фикрларимизга Геродотнинг тарихий аъналарини давом эттирган юнон тарихчиси Ктесийни маълумотларини асос қилиб келтирамиз. Милоддан аввалги V аср охири ва IV асрнинг биринчи ярмида қадимги юнон афсоналари таъсирида тарбияланган Ктесий подшо саройида Шарқ халқлари дostonлари ва тарихига жуда қизиққан. У Оссурия подшоси Нин ва

Бактрия подшоси Оксирд урушлари ҳақида, Кир II нинг бактрияликлар билан тўқнашуви тўғрисида ҳикоя қилади. Бактриянинг жуда кўп истеҳкомлари ва қалъалари тўғрисида, унинг баланд ва мустаҳкам мудофаа деворлари билан ўраб олинган пойтахти Бақтра номли шаҳар бўлгани, унда подшо қасри жойлашгани тўғрисида маълумотлар келтиради ҳамда шу шаҳарни қамал қилган Оссурия подшоси Нин тўғрисида куйидагиларни ёзади: “Нин бактрияликларга қарши юришни бошлаган. У Бактриянинг қалъалари, аҳолисининг кўплиги ва жасурлиги ҳақида хабардор бўлиб, ўзига бўйсундирган халқлардан кўп сонли қўшинларни йиғиб олган. Шу қўшинларга сардор бўлиб, Нин Бактрия юртига бостириб кирган, аммо вилоятдаги хилма-хил тоғ даралари ва йўللари уни қўшинларни бир неча қисмларга бўлишга мажбур қилган” [4,Б.57]. Матн мазмунидан маълумки, Нин қўшинлари Бақтра шаҳри деворларини бузиб, қалъа ичига кира олмаган.

Ктесий маълумотлари бугунги кунда археология тадқиқотларида ўз тасдиғини топмоқда. Ҳозирги кунда Бактрия тупроғида милoddан аввалги I-минг йилликнинг биринчи ярмига оид 240 дан ортиқ қишлоқ-қўрғонлар, қалъалар ва шаҳар қолдиқлари топиб ўрганилган. Биргина Сурхон воҳасида жойлашган Кучуктепа, Пшактепа, Бешқўтон, Талашкан, Жондават, Бандихон, Бўйрачи, Қизилча, Обишир, Шўртепа каби ёдгорликларни эслаш kifоя. Улар мудофаа деворлари, мудофаа буржлари билан мустаҳкамланган қалъалар ва қўрғонлардир. Демак, жаҳон ҳарбий санъатида муҳим ўрин тутган ўта пухта мудофаа деворлари ва қалъа-истеҳкомларини биринчилардан бўлиб аجدодларимиз бунёд этганлар ва ҳарбий-муҳандислик илми билан шуғулланганлар. Ушбу маълумотларни таҳлил қиладиган бўлсак, бронза давридаёқ Ўрта Осиёда «фортификация» санъати пайдо бўлган деган хулосага келамиз. «Фортификация» лотинча «истеҳком», «кучайтириш» деган маъноларни билдириб, мудофаа иншоотларини ҳар томонлама ўрганувчи ҳарбий-муҳандислик илмидир. Хуллас, ватанимиз ҳудудидаги қадимги мудофаа иншоотлари умумий хусусиятлар билан бирга айрим ўзига хос ва бетакрор хусусиятларга ҳам эга эди. Бу иншоотлар аҳоли тинчлиги, давлат чегараларини ташқи душман хавфидан сақлаш мақсадларида катта меҳнатлар эвазига, узок муддатга мўлжаллаб қурилган ва айтиш мумкинки, ўзига хос билим, маҳорат, катта меҳнатни талаб қилган ва санъат даражасига кўтаришган. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, ватанимиз ҳудудида жуда қадим даврлардан оқ мудофаа иншоотлари қурилиб, мустаҳкамланиб борилиши минтақада цивилизация ўчоқлари бўлган илк шаҳарлар ва давлатларнинг вужудга келиши ҳамда ривожланиб бориши билан боғлиқ бўлган. Иқтисодий тараққиёт ва сиёсий барқарорлик, маданий ҳаётнинг юксалиб бориши энг аввало ташқи хавф-хатарнинг бартараф этилишини тақозо этар эди. Шу сабабли аجدодларимиз мудофаа иншоотларини қуриш ва мустаҳкамлаб боришга катта эътибор қаратиб, куч-ғайратларини аямаганлар ва натижада бу соҳа санъат даражасига кўтарилиб борган. Ватанимиз ҳудудида мураккаб тизимли, катта ақл ва ҳисоб-китоблар асосида, узок муддатларга мўлжаллаб қурилган мудофаа иншоотлари пайдо бўлган ва уларнинг қолдиқлари ҳозирга қадар сақланиб қолган. Бу иншоотлар умумий хусусиятлар билан бир қаторда географик шарт-шароит, табиий ресурслар билан боғлиқ бўлган ўзига хос хусусиятларга ҳам эга бўлган. Мудофаа иншоотларининг асрлар давомида такомиллашиб бориши ҳарбий техника, қурол-аслаҳалар ва жанг санъатининг ривожланиб бориши билан боғлиқ эди.

Мамлакатимиз ҳарбий маданияти тарихи ҳақидаги фикларимизни қарийб 2700 йиллик тарихга эга “Авесто” китобидаги маълумотлар билан давом эттирадиган бўлсак, манбада келтирилишича, ўша даврда аждодларимиз вақтинчалик ҳарбий-сиёсий уюшмалар вужудга келтирилганликлари, ҳарбийлар ва ҳарбий бошлиқлар ижтимоий қатламга бўлинганликлари, бу уюшмалар ўз эски жойларини ҳимоя қилувчи ёки янги воҳаларни эгалловчи чорвадорлар ва деҳқонлар ҳаракати бир-бирига мос тушмаган пайтда, доимий ҳарбий иттифоқларга бўлинганликлари ҳақида маълумот берилади [5,Б.76]. «Авесто»нинг Меҳр Яшт қисмида Митра худосига бағишланган мадҳияда ҳарбий жасорат, ўз сўзи ва қасамига содиқ бўлган жангчи барча учун ўрнак қилиб тасвирланиши, ўша пайтда ҳарбийларга қўйилган талабларни ҳамда уларга нисбатан муносабатни намоён этиш билан бирга, аждодларимизда ўзига хос ҳарбий маданият мавжуд бўлганидан далолат беради.

Бир қатор манбаларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, қадимда ҳеч бир миллат туркийлардек ҳарбий фаолиятда зарур бўлган жанговар сифатларга эга бўлмаган. Барча буюк тарихчилар буни бирдек эътироф этадилар. Машхур араб адиби Жохиз (775-868) туркий халқларнинг хислатлари ҳақида битилган «Маноқиб ал-атроқ» асарида, «Сосоний форслар барча халқлардан давлатни бошқариш санъатида, хитойликлар – ҳунармандликда, юнонлар – илм-фанда ва турклар – ҳарбий ишда устундир», деб ёзади. [6, Б.7]

XIII аср тарихчиси Ибн-ал-Ибрий туркийларнинг ҳарбий маҳоратини куйидагича таърифлайди: «Туркийлар кўп сонли миллат бўлиб, уларнинг асосий устунлиги ҳарбий санъат ва жанг қуролларини ишлаб чиқара олишидир. Улар от минишда барчадан моҳир ҳамда санчиш, кесиш ва чопиш орқали бериладиган зарбаларда, шунингдек, камондан ўқ узишда энг чаккон, энг абжирдирлар». Араб муаррихларидан бири ўзининг “Фузоил ат турк” асарида бундай ёзади: “Турклар отли аскарлардир. Жангу жадалларда ғоят устадирлар. Бизнинг суворийлар олдиларида ҳеч нарса кўра олмаганлари ҳолда, турк орқасидан келаётган душманидан хабардордир. Турк отлиги бизни ов, ўзини арслон, отини жилон ҳисоб этар. Қўллари боғлиқ қуйига ташланса, ҳийла қилмасдан чиқар. Уйқуга кетса-да, оғир ухламай, сергаклик ила ётар”. [6, Б.9] Юқоридаги маълумотлардан эса ўрта асрларда барча йирик давлатларнинг ҳарбий ва давлат институтларида ажодларимиз муҳим ўрин эгаллаганликларини кўришимиз мумкин.

Буюк юнон тархчиси Геродотнинг Ўрта Осиё халқлари тарихи ҳақидаги маълумотлари “Тарих” асарининг I, III, VII, IX жилдларида ўз аксини топган бўлиб, унда асосан, қадимги Ўрта Осиё тўғрисидаги асосий фикрлар, Кир II ва Тўмарис ўртасидаги сиёсий муносабатлар, аҳамоний ҳарбий қўшинлари сафида ажодларимиз жангчиларининг фаол иштироки, уларнинг яроқ-аслаҳалари, йўлбошчилари, жангларда уларнинг кўрсатган жасоратлари ҳақида маълумот берилди [7, Б.54]. Шуни алоҳида таъкидлаш кераки, массагетлар қўшинига аёл киши раҳбарлик қилгани ягона далил эмас, чунки Ктесий, Книдский ва бошқа муаллифлар ҳам сак аёлларининг отга миниб, эркаклар билан бир қаторда жанг қила олганликлари ҳақида маълумот бериб ўтганлар. Зарина, Спатарра сингари қабила бошлиқларини шулар жумласига киритишимиз мумкин.

Арриан македониялик Искандарнинг Ўрта Шарқ ва Ўрта Осиё ҳудудларига ҳарбий юришлари ҳақида ёзган антик дунё тарихчиларидан бўлиб, у юртимиз қадимги халқлари, уларнинг урф-одатлари, жангавор мард ўғлонлари ҳақида қимматли маълумотлар келтирган. У ажодларимизни енгилмас Искандар қўшинига кутилмаганда пайдо бўлиб, илк бор зарба берган жасур халқлар эканлиги, “саркардаларнинг саркардаси” дея тан олинган, жаҳоннинг ярмини эгаллаган буюк Искандар Макдуний (Александр Македонский) ўзининг ҳарбий юришларида, тарихида биринчи марта Ватанимизда мағлубиятга учраганлиги, бу воқеа, яъни Спитамен бошчилигида македонияликларга қарши олиб борилган жанглар милоддан аввалги 329-328 йилларда бўлиб ўтганлиги ҳақидаги ноёб маълумотларни беради [7, Б.23].

Араб ва хитой манбалардаги маълумотларга қараганда, Ўрта Осиё ҳукмдорлари ва аслзодалари ўз сафларида бир неча юзтадан бир неча мингтагача махсус қўшин - чокарларга эга бўлганликлари ҳақида маълумотлар келтирилади. Чокарлар маҳоратли жангчилар ҳисобланиб, мамлакат мудофаасининг таянчи, қўшиннинг ўзагини ташкил қилганлар. Улар тинчлик, хавфсизлик гарови ҳисобланганлар [3, Б.70]. Юқоридаги фикрлардан шундай хулоса келишимиз мумкинки, Ўзбекистонда ҳарбий қўшин, қурол-яроғ ва жанг тактикаси жуда қадимдан шаклланиб, асрлар давомида такомиллашиб келган. Инсоният тош асридан бошлаб қурол-яроғлардан нафақат ов қилиш, балки мудофаа мақсадида ҳамда ўзаро низоларни хал этишда фойдаланган. Бу эса ўз ўзидан мамлакатимизда ҳарбий маданият жуда қадимдан юқори даражада ривожланган деган фикримизга тўла асос бўлади.

Ўрта асрларда энг йирик давлатлардан бирини тузган енгилмас саркарда Амир Темур ҳамнафақат давлатимиз, балки жаҳон ҳарбий маданияти ривожига катта ҳисса қўшган улуғ ажодимиздир. Маълумки, Темур тузган қўшин ўзининг стратегик ва тактик маҳорати билан ўша даврнинг энг мукамал, кучли армияларидан ҳисобланади. «Темур тузуклари»да қўшиннинг тузилиши, қуролланиши, ҳарбий санъати ҳақида муҳим маълумотлар

келтирилган. Хусусан, унинг жанг олдида сафга тизилиши ва кўшинларнинг жойлаштирилиши ҳақидаги маълумотлар ниҳоятда қимматлидир. Ҳарбий назарётчиларнинг таъкидлашича, буюк француз истилочи саркардаси Наполеон Бонапарт Соҳибқирон армияси тузилишини, унинг жанг олиб бориш санъатини ўрганган ва керакли жойларини ўзлаштириб олган. Масалан, Амир Темур жанг вақтида кўшин қанотларини ҳимоя қилиш мақсадида алоҳида отлик ҳарбий қисмни биринчи марта жорий этган. Бундай ҳарбий қисмни биз фақатгина Наполеон Бонапарт армиясида кўришимиз мумкин. Аждодларимизнинг кутилмаганда ҳужум қилиш усулини Геродот ва ундан кейинги тарихчилар ҳам ёзиб қолдирган[7,Б.48].

Юқорида келтирилган мисоллар ва далиллар шундан кўрсатадики, ҳарбий маданиятнинг шаклланиши юртимизда энг қадимги даврларга бориб тақалади ва аждодларимиз ҳарбий соҳада тенгсиз салоҳиятга эга бўлганликларидан далолат беради. Бу эса ҳарбий хизматчиларнинг миллий меросимизнинг тарихий илдизларини ўрганиш ва таҳлил этишда ҳамда уларга Ватан озодлиги йўлида қаҳрамонлик кўрсатган буюк ва жасур аждодларимизни ибратли ҳаётини кенг тарғиб этишда, онгу тафаккурига Ватан ҳимояси шарафли ва муқаддас бурч эканини, миллий армиямиз билан фахрланиш, давлат хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун масъулият туйғусини чуқур сингдиришда, дунёда ва ён-атрофимизда содир бўлаётган глобаллашув жараёнларига нисбатан улардаонгли муносабат ва фаол ҳаётий позициясини шакллантиришда, бурчга садоқат, масъулият, фидойилик туйғуларини оширишга хизмат қилади ва ҳарбий хизматчиларда «Ўзбекистон халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди!» деган ҳаётий эътиқодни қарор топтиришда яқиндан ёрдам беради.

#### Иқтибослар/Сноски/References:

- [1] Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тизимида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш Концепцияси. -Тошкент.: 2018. 4 август. -3б. (The concept of increasing the effectiveness of spiritual and educational work in the Armed Forces of the Republic of Uzbekistan. Tashkent. 2018. 4 August.-3p.).
- [2] Гребеньков В. Н. Тенденции эволюции военной культуры современного российского общества. -М.: Прогресс, 2006.-113с. (Grebekov V. N. Trends in the evolution of military culture of modern Russian society -М.: Progress, 2006.-113p).
- [3] Ўзбекистонда ҳарбий иш тарихидан-Т.: Шарқ, 2012. -9б.  
(From the history of military work in Uzbekistan-T.: Sharq, 2012. -9p)
- [4]. Ҳасан Ато Абуший. Туркий қавмлар тарихи. -Т.: Чўлпон, 1993.-240 б. ( Hasan Ato Abushiy. History of Turkic tribes. -Т.: Cholpon, 1993.-240 p.).
- [5] Авеста. Избранные гимны / Пер. с авестийского И. Стеблина-Каменского. -М.: 1993., С. 76, 116.  
(Avesta. Selected Anthems / Transl. from the Avestian I. Steblin-Kamensky. -М.: 1993., p. 76, 116.)
- [6] Асадов Ф.М. Арабские источники о тюрках в раннее средневековье. -Баку: Илм, 1993. - 204 с. (Asadov F. M. Arab sources about the Turks in the early Middle Ages. Vaku: Ilm, 1993. - 204 p.).
- [7]Геродот. История Узбекистана в источниках (составитель Б.В. Лунин). -Т.: 1984., 54 С. (Herodotus. The history of Uzbekistan in the sources (compiled by B.V. Lunin). -Т.: 1984, 54 p.)

## **ЎТМИШГА НАЗАР**

**3 ЖИЛД, 5 СОН**

## **ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ**

**ТОМ 3, НОМЕР 5**

## **LOOK TO THE PAST**

**VOLUME 3, ISSUE 5**

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000